

Халқаро конференция муваффақиятли ўтди



19:47 / 24.04.2025 1286

Тошкент ислом институтида “Ислом дини асл манбаларини талқин қилишдаги ёндашувлар: муаммо ва ечимлар” мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция муваффақиятли бўлиб ўтди.

Унда юртимиз вакиллари билан бир қаторда дунё миқёсидаги нуфузли олимлар — Шайх Иброҳим Абдулкарим, Абдулмажид Ал-Жузжоний, Профессор Дамир Мухетдинов, Доктор Аҳмад Саъд Даманхурий, Доктор Маҳмуд Ҳасан Абдулҳамид, Шайх Аҳмад Адави, Профессор Маҳмут Язижи каби меҳмонлар иштирок этди.

20 дан ортиқ илмий маърузаларда қуйидаги мавзулар кенг ёритилди: “Ҳанафий мазҳаби уламоларининг Қуръон ва ҳадисдан ҳукм олишдаги ёндашувлари”;

“Илмий масалаларни тушунишнинг асосий йўналишлари ва босқичлари”;

“Саҳиҳул Бухорий асарида жамият тинчлиги ва барқарорлиги масалаларининг ёритилиши”;

“Ҳозирги муаммоларни ёритишда ҳадисларнинг замонавий шарҳлари”;

“Мотуридийлик — мўътадиллик мазҳаби”.

Конференциянинг асосий мақсади — ислом динининг асл манбаларини чуқур ва илмий таҳлил этиш, турли мазҳаблар ва илмий мактабларнинг ёндашувларини ўрганиш орқали замонавий муаммоларга ечим таклиф қилишдан иборат.

Конференциядаги маърузалар ва олимлар томонидан билдирилган фикрлар жамиятда учраётган радикализм, ақидавий ихтилофлар, илмсизлик каби долзарб муаммоларга ечимлар ишлаб чиқишга хизмат қилади.

Анжуман якунларига кўра, илмий натижалар асосида махсус тўплам нашр этиш режалаштирилган.